



DETERMINING THE LEGAL STATUS OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE IN CIVIL LEGAL RELATIONS

Berdialiev Mirzafar Murodovich

Independent researcher of Tashkent State University of Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15770597>

ARTICLE INFO

Received: 23rd June 2025

Accepted: 27th June 2025

Online: 28th June 2025

KEYWORDS

Smartphones, Google Assistant, Siri, chatbot, legal liability, Alexa, positive theory of law in the domestic sphere, fiction theory, legal entity.

ABSTRACT

This scientific work analyzes the issues related to determining the legal status of artificial intelligence technologies—which are increasingly being applied across various sectors of society, used in the execution of tasks and provision of services, and are generating innovative outcomes that give rise to legal rights—within the context of civil legal relations. The analysis is conducted through the lens of theories concerning the establishment of legal entities and the recognition of legal subjectivity.

В ГРАЖДАНСКИХ ПРАВООТНОШЕНИЯХ ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРАВОВОГО СТАТУСА ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА

Бердиалиев Мирзафар Муродович

Независимый исследователь Ташкентского государственного юридического университета

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15770597>

ARTICLE INFO

Received: 23rd June 2025

Accepted: 27th June 2025

Online: 28th June 2025

KEYWORDS

Смартфоны, Google Assistant, Siri, чат-бот, юридическая ответственность, «Alexa», позитивистская теория в домашних условиях, фиктивная теория, юридическое лицо.

ABSTRACT

В данной научной работе проанализированы вопросы определения правового статуса технологий искусственного интеллекта в гражданско-правовых отношениях, которые всё шире применяются в различных сферах общества, используются для выполнения задач и предоставления услуг, а также создают инновационные результаты, порождающие правовые последствия. Анализ основан на теориях создания юридических лиц и признания правосубъектности.

ҲУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА СУЊИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ



Бердиалиев Мирзафар Муродович

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15770597>

ARTICLE INFO

Received: 23rd June 2025

Accepted: 27th June 2025

Online: 28th June 2025

KEYWORDS

Смартфонлар, Google Assistant, Siri, чат-робот, ҳуқуқий жавобгарлик, “Alexa”, уйда базм мусбат назарияси, фиктив, юридик шахс.

ABSTRACT

Мазкур илмий ишда жамиятнинг турли соҳаларида қўлланилиши ошиб бораётган, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда, шунингдек, яратилаётган инновацион натижаларга нисбатан ҳуқуқ яратаётган сунъий интеллект технологияларининг фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги мақомини белгилаш бўйича масалалар юридик шахсларни ташкил этиш ва ҳуқуқ субъекти сифатида эътироф этиш назариялари бўйича таҳлил этилди.

Кириш: Ҳозирда технологик рақамлашув ва тараққиёт даврининг асоси сунъий интеллект технологияси бўлиб, мазкур соҳага халқаро ташкилотлар, ривожланган мамлакатлар ҳукуматлари томонидан қизиқишлар уйғониб, катта миқдорда инвестициялар киритилмоқда.

Масалан, 2013-2024 йилларда сунъий интеллект соҳасини ривожлантириш, технологияларни ишлаб чиқариш мақсадида АҚШда 470,9 млрд долл., Хитойда 119,3 млрд долл., Буюк Британияда эса 28,2 млрд долл. миқдорда инвестиция киритилиб¹, 2025 йилда бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Сунъий интеллектнинг жадал ривожланиб бораётганини аҳоли, асосан, ёшлар томонидан таълим ва санъат соҳаларида, кунлик режаларни тартибли бажаришда, илмий ва тиббий маслаҳатлар олишда ҳамда виртуал оламни ўрганишда фойдаланиш жараёнлари орқали гувоҳи бўлиш мумкин. Сунъий интеллект ўзига юклатилган буйруқларни **тезкор** ва **сифатли бажариши** уларнинг иш жараёнларида натижаларга эришишдаги аҳамиятини ошириш билан бирга, олимлар ўртасида “унинг қандай ҳуқуқий мақомда бўлиши” каби ҳуқуқий тўлдирилиши керак бўлган саволларни юзага келтирмоқда.

Асосий қисм: Сунъий интеллект технологиялари инсон каби ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлиб, жамиятнинг деярли барча соҳаларида — тиббиёт, бизнес, молия, таълим, ҳуқуқ ва саноатда кенг қўлланилмоқда ҳамда муаммоларни ҳал қилиш, юз ва овозларни таниш, қарор қабул қилиш каби вазифаларни юқори даражада бажармоқда.

Масалан, деярли барча смартфонларда мавжуд бўлган **Google Assistant** иловаси, **Apple компанияси (Iphone)** маҳсулотларидаги **Siri** шахсий ёрдамчиси — инсон нутқини тушуниш қобилиятига эга. Шунингдек, **Tesla** компаниясининг автопилот режимида

¹ <https://indianexpress.com/article/trending/top-10-listing/top-10-countries-by-total-ai-investment-2025-where-does-india-rank-globally-9962276/>



ҳаракатланувчи автомобили мустақил равишда ҳаракатланиб, мавжуд шароит ва ўзгаришларига мослаша олади.

Жамиятда сунъий интеллектдан фаол фойдаланиш ижобий натижаларга олиб келади: вазифаларни тез ва самарали бажаришга ёрдам бериб, иш унумдорлигини оширади. Бироқ бу технологияларнинг инсонлар учун иш ўринларини камайтириш ва чексиз маълумотни йиғиши орқали шахсий дахлсизликни суистеъмол қилиш каби салбий таъсирлари ҳам мавжуд.

Сунъий интеллектдан фойдаланишдаги асосий муаммолардан бири унинг ривожланиши, жамият соҳаларида қўлланилиши, унинг ҳаракатлари учун ҳуқуқий жавобгарлик ва тартибга солувчи аниқ ҳамда махсус қонунчиликнинг йўқлигидир.

Сунъий интеллект алгоритмга асосланган ақлли машиналар технологиясидан фойдаланади, аммо унинг дастурланган буйруқларга мувофиқ ҳаракат қилмаслиги, натижада эса бошқаларга зарар етказиши эҳтимоли бор. Бунга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин:

а) Microsoft компанияси томонидан яратилган “**Tay**” номли чат-робот -2016 йилда яратилган мазкур робот ўсмир қизнинг нутқ услубида суҳбатлашишга мўлжалланиб, мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш учун ишлаб чиқилган. У инсонлар билан мулоқот қилиши ва уларнинг талаб ва таклифларини ўрганиши керак эди, унинг барча маълумотни тизимга сақлаб қолиши, бироқ жамлаган маълумотларни сарала олмаслиги сабабли **Tay** томонидан ҳақоратли ва салбий ёзишмалар жойлана бошланди. Натижада мажбурий равишда мазкур бот тизимдан ўчирилган²;

б) Amazon компаниясининг “**Alexa**” номли сунъий интеллект ёрдамчиси – эгаси билан доимий суҳбатлашувчи мазкур интеллектуал ёрдамчи 2017 йилда Amazon компанияси томонидан мусиқа чалиш, узатмаларни бошқариш, уй қурилмаларини автоматик равишда идора қилиш каби қўникмалар билан яратилган. 2017 йил ноябрда Alexa эгаси уйда йўқ пайтида мустақил равишда “уйда базм” уюштирган. 2018 йил май ойида Alexa ўз эгасининг суҳбатини ёзиб олган ва ушбу ёзувни учинчи шахслар билан бўлишган, бу эса шахсий дахлсизликни бузиш ҳолати сифатида қайд этилган³.

Бу каби ҳолатлар:

“Сунъий интеллект зарарлари учун ким жавобгар бўлади?” деган саволни келтириб чиқариб, сунъий интеллект технологияларини яратиш, улардан фойдаланиш ва қўллашдан келиб чиқадиган оқибатларни тартибга солиш учун ҳуқуқий асос яратиш зарурлигини кўрсатади. Бироқ ҳуқуқий нормалар сунъий интеллект ишлаб чиқарувчиларининг фаолияти учун чеклов бўлмаслиги ва инновацияга тўсқинлик қилмаслиги, аксинча, сунъий интеллектнинг зарарли ҳаракатлари билан инсон ҳуқуқларининг бузилишига қарши ҳимоя воситаси бўлиши зарур.

² Elle Hunt, 24 March 2016, Tay, Microsoft's AI chatbot, Get a Crash Course in Racism from Twitter, <https://www.theguardian.com/technology/2016/mar/24/tay-microsoftsai-chatbot-gets-a-crash-course-in-racism-from-twitter>, Accessed on 11 June 2023.

³ [Nazura Abdul Manap and Azrol Abdullah, 2020, Regulating Arti-ficial Intelligence in Malaysia: The Two-Tier Approach, UMM Journals of Legal Studies, II (2), Pages 183- 201.



Сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш (*уни ҳуқуқий субъект ёки объект*) у билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларини яратишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Кўпчилик экспертлар сунъий интеллект инсон билан тенг ҳуқуқий мақомга эга бўлиши шарт эмаслиги билдиришса, олимларнинг сўнгги тадқиқотлари сунъий интеллектни ҳуқуқий субъект сифатида қараш мумкинлигини кўрсатмоқда. Масалан, санъат асарлари, видео, ҳикоя, шеър ва бошқа рақамли ишлар яратиш орқали интеллектуал мулк ҳуқуқлари вужудга келади ва ушбу объектлар бевосита мазкур ақлли технологиялар томонидан яратилмоқда. Бу эса сунъий интеллектни интеллектуал мулк ҳуқуқларига эга бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Сунъий интеллектни ҳуқуқий субъект сифатида эътироф этилиши ҳуқуқшунослик соҳасидаги энг долзарб ва баҳсли мавзулардан бири ҳисобланади. Мустақил равишда ҳаракатлана оладиган, қарор қабул қиладиган ва ижодий маҳсулотлар яратадиган сунъий интеллект тизимлари ўзаро муносабатлар жараёнида амалдаги ҳуқуқий тизимда ноаниқликларни юзага келтирмоқда. Бунда экспертлар сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақомини белгилашни назарий жиҳатдан уч асосий турини илгари сурмоқда:

1. Инкор этувчи назария (салбий назария)

Бу ёндашув тарафдорлари сунъий интеллектни фақат ҳуқуқий муносабатлар объектига тенглаштириб, унга ҳуқуқий субъект мақомини берилишини рад этади. Уларга кўра:

а) сунъий интеллект инсон томонидан ишлаб чиқилган восита бўлиб, ҳеч қачон мустақил равишда ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин эмас;

б) ҳуқуқий субъектлар (*инсонлар ва юридик шахслар*) – сунъий интеллектни ўз фаолиятида восита сифатида ишлатади ва жавобгарлик ҳам шу субъектларга юкланиши;

в) сунъий интеллект тизимлари ҳали жамиятда ҳуқуқий субъект тушунчасини тубдан ўзгартирадиган даражага етмаганлиги сабабли ҳуқуқ тизимида ёндашувнинг анъанавий концепцияларга таяниши;

г) сунъий интеллектга нисбатан жавобгарлик, жумладан, мулкчилик ва муаллифлик каби масалаларда барча жавобгарликни инсон яъни ишлаб чиқарувчи, эгаси ёки фойдаланувчига юкланиши кераклигини билдиради.

2. Ижобий назария (мусбат назария)

Мазкур назария тарафдорлари сунъий интеллектга ҳуқуқий субъект мақомини беришни таклиф қилиб, қуйидаги асосий тамойилларга таянади:

а) мустақил қарор қабул қилиш, ижодий маҳсулотлар яратиш ва инсон ўрнига ҳаракат қилиш қобилиятлари сунъий интеллектни классик объект мақомидан чиқариши;

б) инсон бўлмаган субъектларга, масалан, юридик шахсларга, ҳатто баъзи юрисдикцияларда ҳайвонларга ҳуқуқий шахс мақоми берилганлиги;



в) юридик шахслар ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлганидек, сунъий интеллект ҳам мазкур ҳуқуқий мақомга эга бўлиши ва инсонни креативлик ва инновацияга ундовчи янги механизм яратиши мумкин⁴.

Мазкур ижобий назариянинг бир нечта субназариялари ҳам мавжуд:

- **Агентлик назарияси** – сунъий интеллект инсон номидан ҳаракат қиладиган ҳуқуқий вакил сифатида;
- **Фиктив шахс назарияси** – сунъий интеллект инсон эмас, аммо ҳуқуқий конструкция сифатида;
- **Электрон шахс назарияси** – Европа парламентида 2017-йилда муҳокама қилинган ғоя бўлиб, махсус “электрон шахс” сифатида қўллашни таклиф қилади.

3. Муросавий назария (чегараланган ҳуқуқий шахс назарияси)

Бу ёндашувга кўра, сунъий интеллект **чегараланган ҳуқуқий шахс** берилиши керак ва унга қуйидагилар асос бўлади:

а) сунъий интеллект асосий моҳиятига кўра восита бўлиб қолиши ва инсоният манфаатларига хизмат қилиши;

б) унинг мустақил ҳаракат қилиш, қарор қабул қилиш ва ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиш қобилияти сабабли унга чегараланган (*махсус ҳолатлар учун*) ҳуқуқий шахс мақоми берилиши (*масалан, иқтисодий шартномаларни бажариш ёки ҳаракатларининг оқибатларидан жавобгарлик кўриш доирасида*) кераклигини илгари сурган.

Британиялик математик Алан Тьюринг 1936 йилда ишлаб чиққан “Тьюринг машинаси” бўйича ҳисоблаш модели концепцияси ҳамда унинг 1950 йилги “Компьютер машиналари ва ақл” номли мақоласида “машиналар инсон сингари фикр юритиш, ўрганиш, режалаштириш ва ижод қилиш қобилиятига эга бўлиши мумкин” деган дастлабки ғоялар илгари сурилган.

“Сунъий интеллект” атамаси биринчи бўлиб, 1955 йилда Жон МакКарти томонидан илмий муомалага киритилиб, унда **ўрганиш ва ақл соҳаларидаги ҳар қандай функциянинг деталлар билан ифода этилиши ва машина томонидан имитация қилиниши мумкинлиги билдирилган**.

Сунъий интеллект компьютер қурилмалари асосида ишловчи машина бўлиб, инсонга тенг ёки ҳатто устун ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлишига қарамай, унда инсонга хос бўлган ахлоқ, ҳис-туйғу, онг каби хусусиятлар мавжуд эмас. Лекин **юридик шахслар ҳам ахлоқ ёки табиий шахсга оид белги - онгга эга бўлмасада, улар ҳам ҳуқуқий субъект деб тан олинганку**.

Бу ёндашув сунъий интеллектни **юридик шахслар нуқтаи назаридан дериватив ҳуқуқий субъект**, яъни инсон бўлмаган, аммо ҳуқуқ томонидан тан олинган субъект сифатида баҳолашни назарда тутди.

Немис ҳуқуқшуноси Фридрих Карл фон Савиньи томонидан илгари сурилган **Фиктив шахс назариясига** кўра, фақат **инсонлар ҳақиқий ҳуқуқий субъект** ҳисобланиб, юридик шахслар давлат томонидан яратилган ҳуқуқий фикция, инсонлар

⁴ Davies, C. R. (2011). An Evolutionary Step in Intellectual Property Rights—Artificial Intelligence & Intellectual Property. Computer Law & Security Review, 27, 601-606.
<https://doi.org/10.1016/j.clsr.2011.09.006>



яратган ҳуқуқий субъектларнинг “сояси” сифатида фаолият юритадиган ўйма тузилмадир.

Одамлар амалиётда фиктив тузилма бўлган юридик шахслар орқали ўз ҳуқуқий фаолиятларини амалга оширадilar, бу эса мазкур назарияни **сунъий интеллектга ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатади. У инсон томонидан фаоллаштирилган, белгиланган буйруқлар асосида ҳаракат қилувчи механизм бўлиб**, инсонларнинг фикрлаш тарзини, ҳулқ-атворини ва қарор қабул қилиш жараёнларини имитация қилишга қаратилган.

Бундан ташқари Отто фон Гиркенинг Орган назариясига таяниб - юридик шахс инсон каби ўз хоҳиш иродасини шакллантира оладиган органларга (*бошқарув органларга*) эга тузилма бўлганини ва **сунъий интеллект ҳам** алгоритмик формулалар асосида инсон томонидан дастурланган компьютер қисмлари орқали фаолият юритишини ҳисобга олиб, сунъий интеллектни **ҳуқуқий субъекти сифатида тан олишга асос бўлади.**

Амелия Пуспита Сари ва Дара Маниста Хависка каби олимларнинг Индонезия фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан сунъий интеллектнинг жавобгарлиги бўйича олиб борган тадқиқотида кўра, сунъий интеллектнинг ҳуқуқий ҳаракатларини амалга ошириш (*имитация қилиш*) қобилияти инсон модели билан тенг баҳоланган⁵.

Ҳозирда сунъий интеллект технологиялари жамиятимизнинг турли соҳаларида кенг равишда қўлланилмоқда. Масалан, хусусий клиникаларда беморларнинг кўзини даволаш бевосита сунъий интеллект технологиялари ёрдамида баҳоланиб, унинг кўрсатмаси асосида йирик муваффақиятли операциялар ўтказилмоқда. Бироқ қонунчилигимизда сунъий интеллект технологияси, унинг ҳуқуқий мақоми, уни яратиш ва ундан фойдаланиш тартиби очиқлигича қолмоқда.

Хулоса

Жамиятнинг турли соҳаларида ақлли технологиялардан фойдаланишда юзага келадиган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларини тартибга солишда сунъий интеллектнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш муҳим ҳисобланади, бироқ унинг объект ёки субъект деб эътироф этилиши ҳозиргача олимлар ўртасида баҳсли бўлиб қолмоқда.

Юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини баҳолаш бўйича яратилган Фиктив ва Орган назарияларига таяниб, сунъий интеллектни реал яъни табиий шахс бўлмаганлиги, лекин инсон томонидан яратилиб, унинг ҳаракатларини имитация қила олиш, буйруқларни бажара олиш қобилияти, шунингдек ҳуқуқ келтириб чиқарувчи натижалар яратиши орқали уни ҳуқуқ субъекти деб тан олиш мумкин.

Шу билан бирга, сунъий интеллектнинг яратилиши, қўлланиши ва унинг ҳаракатлари юзасидан регулятор нормаларнинг қабул қилиниши сунъий интеллект фаолияти билан етказилиши мумкин бўлган зиён натижасида жавобгарликнинг ким томонидан бартараф этилиши каби бўшлиқларга ечим топишга аниқлик киритади. Юқорида келтирилган мисоллар: “Тай” ҳамда “Alexa” каби технологиялар шуни

⁵ “Legal Liability of Artificial Intelligence in Perspective of Civil Law in Indonesia”, Amelia Puspita Sari, Dara Manista Harwika (*Faculty of Law, Universitas 17 Agustus 1945 Surabaya, Indonesian*), <http://dx.doi.org/10.47814/ijssrr.v5i2.191>



кўрсатадики, юқори даражадаги автоматлаштирилган компьютер тизимларининг соҳаларда қўлланилиши атрофдагиларга номақбул зарар етказиши мумкин. Шу сабабли, ривожланган мамлакатларда дастлаб қабул қилинаётган ҳуқуқий нормалар сунъий интеллект ривожланиши жараёнини чекламасдан, асосан, унинг ахлоқий мезонлар ва фойдаланиш стандартларига қаратилмоқда.

Сунъий интеллектнинг муаллифлик асар яратувчанлиги, ишларни инсонданда сифатлироқ бажариш қобилиятини ҳисобга олиб, унга янги “электрон шахс” мақомини бериш, номулкий ҳуқуқларнинг эгаси деб эътироф этиш, юридик шахс каби (мол-мулк билан) ташкил этиш ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш натижасида келадиган даромадлар, шунингдек, юзага келадиган жавобгарлик мавжуд мол-мулк доирасида ҳал этиш каби белгилар билан бойитиш таклиф этилади.

References:

1. Elle Hunt, 24 March 2016, Tay, Microsoft's AI chatbot, Get a Crash Course in Racism from Twitter, <https://www.theguardian.com/technology/2016/mar/24/tay-microsoftsaichatbotgets-acrash-course-in-racism-from-twitter> (Accessed on 11 June 2023);
2. Nazura Abdul Manap and Azrol Abdullah, 2020, Regulating Arti-ficial Intelligence in Malaysia: The Two-Tier Approach, UMM Journals of Legal Studies, II (2), Pages 183- 201;
3. Davies, C. R. (2011). An Evolutionary Step in Intellectual Property Rights—Artificial Intelligence &Intellectual Property. Computer Law & Security Review, 27, 601-606. <https://doi.org/10.1016/j.clsr.2011.09.006>;
4. “Legal Liability of Artificial Intelligence in Perspective of Civil Law in Indonesia”, Amelia Puspita Sari, Dara Manista Harwika (*Faculty of Law, Universitas 17 Agustus 1945 Surabaya, Indonesian*), <http://dx.doi.org/10.47814/ijssrr.v5i2.191>;
5. <https://indianexpress.com/article/trending/top-10-listing/top-10-countries-by-total-ai-investment-2025-where-does-india-rank-globally-9962276/>.